

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH”)**

ILMIY JURNALI

1

2021

Toshkent

1
2021

Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadreddin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent
Xajiiev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinnov- (AQSh)
Uktam Burhanov – (Chekiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Wolfgang Lukas (Germaniya)
N.V. Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**1
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rbinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT

Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatlilagini ta'minlashning konseptual asoslari	5
--------------	---	---

Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
------------------------------	---	----

BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV

Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intelektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK

Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldashev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72

TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH

Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103

TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH

YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA

Muhiddinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

Юсупов Мухиддин Соатович,
ТДИУ доценти, PhD
Исмоилова Гулчирой Толлибай қизи,
ТДИУ таянч докторанти

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари, жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида чуқур қайта ишлашни ривожлантиришда кооперация ва кластерларни жорий этиш имкониятлари илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается совершенствование организационно-экономических механизмов углубленной переработки сельскохозяйственных продуктов. На примере плодовоощной продукции научно и практически обоснована возможности внедрения агропромышленных кластеров и кооперативов в развитии промышленной переработки сельскохозяйственной продукции.

Annotation: This article discusses the improvement of the organizational and economic mechanisms of in-depth processing of agricultural products. On the example of fruit and vegetable products, the possibilities of introducing agro-industrial clusters and cooperatives in the development of industrial processing of agricultural products are scientifically and practically substantiated.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат таъминоти, озиқ-овқат хавфсизлиги, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, агрокластер, қайта ишлаш саноати, илғор технологиялар, диверсификация, интеграция, рақобатбардошлиқ, экспорт.

Кириш

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришнинг асосий захираларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати қувватларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади, аммо республикада қайта ишлаш саноати салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 4 июлда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш масалаларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек: “Мамлакатда йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва саклаш жараённида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилмоқда.

Бу соҳадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулотларни чукур қайта ишлаш кенгайтирилса, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мумкин” [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4406-сонли, 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4821-сонли, 2020 йил 18 марта “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Фармонлари ва бошқа меъёрий хужжатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, ички ва хорижий инвестициялар жалб этиш эвазига қайта ишлаш саноати корхоналарини қуриш ва мавжудларини модернизациялаш, логистика ва сақлаш тизимларини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Пандемия туфайли юзага келган глобал инқироз озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигини таъминлашга бутунлай янгича ёндошувни талаб этмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳўл, дастлабки ва чукур қайта ишланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, бу тизимда қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш масалалари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки ва чукур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат таъминоти занжирини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида хорижий мамлакатлар ҳамда мамлакатимизда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) томонидан 2020 йил 29 марта тақдим этилган “COVID-19 ва озиқ-овқат таъминоти занжиридаги рисклар: қандай йўл тутмоқ керак?” номли ҳисоботда келтирилишича, пандемия жаҳон миқёсида озиқ-овқат етказиб бериш занжирида узилишларни юзага келтириб, тизимда беқарорликни келтириб чиқарган ва оқибатда камбағал, қашшоқ аҳолига катта зарар етказган. Бу айниқса озиқ-овқат таъминотининг муқобил манбаларига эга бўлмаган мамлакатларга катта хавф солади [2].

Озиқ-овқат таъминоти тизимининг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган Россиялик иктисадчи Н.Р.Куркинанинг фикрича “аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш муҳим стратегик вазифалардан саналади, чунки у нафақат озиқ-овқат хавфсизлиги, балки миллий хавфсизлик масалалари билан чамбарчас боғланган” [3].

Н.И.Сайдахмедованинг таъкидлашича “озиқ-овқат саноатида энг муҳим муаммолардан бири қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ҳамон паст эканлиги ҳисобланади” [4].

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда агросаноат интеграциясини ривожлантириш масалалари юзасидан мамлакатимиз олимларидан Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов ва А.С.Юсуповлар тадқиқот олиб боришган. Уларнинг таъкидлашича “аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ягона ташкилий-технологик ва ижтимоий-иктисодий тизимга бирлашуви, яъни агросаноат интеграцияси муҳим аҳамият касб этади” [5].

Мева-сабзавот маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлашда агрокластерларни ривожлантириш Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, И.Ғаниев ва М.Муродоваларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган [6].

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат таъминотида қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари етарлича ўрганиб чиқилмаган ва бу борадаги илмий тадқиқотлар эндинга бошланмоқда.

Тадқиқот методологияси

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминоти муаммоларини таҳлил этиш борасида тадқиқотлар олиб борган миллий ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, динамик қаторлар, иктиносий-статистик ва бошқа усувлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган озиқ-овқат саноати мамлакатимиз иктиносидиётининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу тармоқ аҳолига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга имкон беради. Республикаизда озиқ-овқат саноати ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш бу тармоқнинг мамлакатимиз иктиносидиётида муҳим ўрин тутишини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий иктиносий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати, амалдаги нархларда, млрд. сўм	18511,6	22400,5	23217,7	25256,0	35337,3
Озиқ-овқат саноатининг жами саноат маҳсулоти таркибидаги улуси, %да	19,0	20,0	15,6	10,7	10,9
Озиқ-овқат саноати маҳсулоти ҳажминин ўтган йилга нисб. йиллик ўсиш суръатлари, %да	117,9	112,3	95,6	98,5	110,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълумки, 2015-2019 йиллар оралиғида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати амалдаги нархларда 18511,6 млрд. сўмдан 35337,3 млрд. сўмга ўсган. Озиқ-овқат саноатининг жами саноат маҳсулоти таркибидаги улуши 19,0 % дан 10,9 %га тушган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 2015-2019 йиллар оралиғидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 6,3 %ни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида 2017-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан 1,5-4,4 % пасайиш кузатилган бўлсада, 2019 йилда йиллик ўсиш суръати 2018 йилга нисбатан 10,9 %ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жами қайта ишлаш саноатидаги улуши 13,9 %ни ва 2019 йилга нисбатан йиллик ўсиш суръати 8,7 %ни ташкил этган [7].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси**” қабул қилингунга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини барқарор ривожлантиришга бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатиб келган. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари сонини етарлича эмаслиги оқибатида қайта ишлаш даражасининг пастлиги (2018 йил мева-сабзавотларда 13,2 %, гўштда 19,4 %, сутда 14,2 % (2-жадвал));

- қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан йил давомида узлуксиз таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги, хомашёни саклаш омборхоналарининг етишмаслиги ва кам тараққий этганлиги;

- қайта ишлаш корхоналари қувватларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги (масалан, узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2017 йилда 45,0 %) [8];

- қайта ишлаш саноати корхоналарида моддий ва маънавий эскирган асбоб-ускуналар салмоғининг юқорилиги ва уларни янгилаш даражаси пастлиги (2018 йилда ишлаб чиқариш саноатида асосий фонларнинг эскириш даражаси 43,8 %ни, янгиланиш коэффициенти 12,8 %ни ташкил этган) [9];

- ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сифими юқорилиги (2018 йил ыайта ишлаш саноатида 81,4 %, [9]) сабабли хомашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар нархларидаги ўзгаришларнинг маҳсулот таннархи ошишига таъсири кучлилиги;

- тармоқда унумдорлиги юқори, энергия сифими паст ва ресурс тежамкор замонавий рақамли технологияларнинг етишмаслиги;

- қайта ишлаш корхоналарининг хомашё етказиб берувчилар, ички ва ташқи бозорлардаги сотувчилар билан барқарор, мустаҳкам ва узоқ муддатли интеграцион алоқаларининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

- қайта ишлаш саноати стандартларига жавоб берадиган навларнинг етишмаслиги, мева-сабзавотларнинг пишиб, ўтиб кетиши ёки ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида хомашё сифатининг бузилиши;

- ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва товар дизайнининг жаҳон стандартлари талабларига мос келмаслиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони билан тасдиқланган](#) “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси**”да қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, яrim тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб кейинги йилларда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4406-сонли қарорида республиканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, соҳанинг инвестицияйи жозибадорлигини ошириш ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида йирик ва муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан:

- асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайта ишлашнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари (2-жадвал);

- хорижий кредит линиялари ҳисобидан йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш (куввати - 3 млн тонна, ер майдони - 145 га, қиймати - 367 млн. долларлик жами 8 та лойиҳа);

- замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш (куввати - 360 минг тонна, қиймати - 1,7 трлн. сўмлик, шундан: ташаббускорларнинг ўз маблағи - 644 млрд. сўм, банк кредити - 458 млрд. сўм, хорижий инвестиция ва кредит маблағлари 77 млн. долларлик жами 37 та лойиҳа);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш (куввати - 876,2 минг тонна, қиймати - 2 303 млрд. сўмлик, шундан: ташаббускорларнинг ўз маблағи - 670 млрд. сўм, банк кредити - 578,3 млрд. сўм, хорижий инвестиция ва кредит маблағлари - 124,7 млн. долларлик жами 174 та лойиҳа);

- импорт ўрнини босувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (куввати – 118 минг тонна, қиймати - 1,2 трлн. сўмлик, шундан: ташаббускорларнинг ўз маблағи - 498 млрд сўм, банк кредити - 323 млрд. сўм, хорижий инвестиция ва кредит маблағлари – 52 млн. долларлик жами 24 та лойиҳа);

- мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги самаrasиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш (жами 36 019 га);

- республика ҳамда худудий синов ва сертификатлаштириш марказлари хузуридаги синов лабораторияларини модернизация қилиш (қиймати 6,2 млн. долларлик жами 3 та лойиха);

2-жадвал

2019-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш прогноз кўрсаткичлари

Маҳсулот турлари	2018 й. (амалда)	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 й. 2018 й.га нис.,%да
1. Мева-сабзавот – жами					
- ишлаб чиқариш	16 153,3	16 628	17 167,1	17 765,6	110,0%
- қайта ишлашга	2 131,5	2 692	3 177,2	3 922,6	184,0%
- қайта ишлаш даражаси, %да	13,2	16,2	18,5	22,1	+ 8,9 ф.п.
ш.ж: 1.1. Сабзавотлар					
- ишлаб чиқариш	9 760,3	10 053,1	10 374,8	10 727,6	109,9%
- қайта ишлашга	1 170,7	1 489,6	1 740,6	2 166,9	185,1%
- қайта ишлаш даражаси, %да	12,0	14,8	16,8	20,2	+ 8,2 ф.п.
1.2. Мевалар					
- ишлаб чиқариш	2 706,2	2 771,1	2 857,1	2 957,1	109,3%
- қайта ишлашга	516,1	651,6	771,2	938,8	181,9%
- қайта ишлаш даражаси, %да	19,1	23,5	27,0	31,7	+ 12,6 ф.п.
1.3. Полиз					
- ишлаб чиқариш	1 837	1 893,9	1 958,3	2 028,8	110,4%
- қайта ишлашга	3	3,5	4,1	4,9	164,4%
- қайта ишлаш даражаси, %да	0,16	0,2	0,21	0,24	+ 0,08 ф.п.
1.4. Узум					
- ишлаб чиқариш	1 589,8	1 632,7	1 681,7	1 737,2	109,3%
- қайта ишлашга	333,9	413,6	510,1	623,3	186,7%
- қайта ишлаш даражаси, %да	21,0	25,3	30,3	35,9	+ 14,9 ф.п.
2. Гўшт (сўйилган вазнда)					
- ишлаб чиқариш	1 409,7	1 503,2	1 614,9	1 747,4	124,0%
- қайта ишлашга	274,2	376,2	439,5	507,6	185,1%
- қайта ишлаш даражаси, %да	19,4	25,0	27,2	29,0	+ 9,6 ф.п.
3. Сут					
- ишлаб чиқариш	10 466,4	10 994,4	11 579,1	12 231,1	116,9%
- қайта ишлашга	1 485	1 860	2 418	3 264,3	219,8%
- қайта ишлаш даражаси, %да	14,2	16,9	20,9	26,7	+ 12,5 ф.п.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли қарорининг 1-иловаси асосида тузилган.

- озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартларни қабул қилиш (жами 726 та) ва бошқалар.

Келтирилган 2-жадвал маълумотларидан маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш даражасини 2018-2021 йилларда сабзавотларда амалдаги 12,0 дан 20,2 %га (8,2 фоиз пунктга), меваларда 19,1 дан 31,7 %га (12,6 фоиз пунктга), узумда 21,0 дан 35,9 %га (14,9 фоиз пунктга), гўштда 19,4 дан 29,0 %га (9,6 фоиз пунктга) ва сутда 14,2 дан 26,7 %га (12,5 фоиз пунктга) ошириш кўзда тутилган.

Мазкур қарорга мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича:

- Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма инвестиция компанияси маблағлари;

- Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва рақобатбардошликни ошириш учун 200,0 млн. АҚШ доллари ҳамда қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни ривожлантириш учун 200,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

- Осиё тараққиёт банкининг йирик замонавий агрологистика комплексларини ташкил этиш учун 347,0 млн. АҚШ доллари ва чорвачиликни ривожлантириш учун 150,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

- Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 200,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

- Франция ривожланиш агентлигининг чорвачиликни ривожлантириш учун 170,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

- Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш учун 46,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

- синов лабораторияларини модернизация қилишга Жаҳон банкининг 6,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларининг йўналтирилиши белгиланган.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки иштироқида “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 млн. АҚШ доллари, шу жумладан Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари 197,0 млн. АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикасининг улуси солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш ва бошқа сарф-харажатларни инвестиция даврида молиялаштириш эвазига жами 47,75 млн. АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4406-сонли қарорига мувофиқ 2019 йил 1 августдан бошлаб:

а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари “Ўзстандарт” агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида жалб қилинадиган кредитлар бўйича - 5 фоизли пункт миқдорида;

- хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича - тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация берилади;

- кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга қаратилган бу чора-тадбирлар ва имтиёзлар келгусида тармоқни барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз. Истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва жаҳон бозорида харидоргир ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимиға ўтиш вазифаси қўйилмоқда.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини асосан қишлоқ жойларга жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади. Чунки бу биринчидан, транспорт харажатларини тежаш имконини берса, иккинчи томондан хомашёни узоқ масофаларга ташиш натижасида юз берадиган бузилишлар ва йўқотишларнинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб қайта ишлаш корхоналарини жойлаштириш ва ҳудудий ихтисослаштириш ишларини кучайтириш, жойлаштиришда ҳудудларнинг табиий-иклимий шарт-шароитларини, ресурс салоҳиятини, қайта ишлаш корхоналарининг мавжуд қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш шартларини, инфратузилмалар ва транспорт-коммуникация тармоқларининг тараққий этганлигини, маҳаллий аҳолининг асрлардан бери тўпланиб келаётган тажрибалари ва малака-кўнималарини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, Самарқанд вилояти узум етиштириш ва ундан сара майиз тайёрлаш сирларини пухта ўзлаштирган бўлса, Тошкент вилоятида мева ва узумни қайта ишлаш асосида соклар, вино, конъяк ва бошқа ичимликлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, Қашқадарёниң Китоб, Сурхандарёниң Дашибод ва Фарғонанинг

Кува анорларини қайта ишлаш асосида анор соки ишлаб чиқиш ва экспортга чиқариш ҳам истиқболли йўналишлардан биридир.

Қайта ишлаш саноати ривожланишига хомашёнинг сифатсиз бўлиши ва белгиланган технологик талабларга жавоб бермаслиги ҳам сабаб бўлади. Масалан, шундай помидорлар борки, сифатли шарбат олиш мумкин бўлмаган олмалар каби улар томат пастаси ёки кетчуп ишлаб чиқариш учун умуман тўғри келмайди. Бундан ташқари “унчалик тўғри келмайдиган” хомашёнинг ишлатилиши унинг сарфини кўпайтириб юборади ва маҳсулот таннархини ошириб юборади. Томат пастаси ишлаб чиқаришда қуруқ массаси миқдори қайта ишлаш саноати талабига жавоб берадиган даражадаги помидорнинг ишлатилиши хомашё сарфини 20% гача камайтириш имконини беради. Лекин, ҳозирча мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасидаги корхоналар хомашё сотиб олишдан ҳам кўра моддий-техника ресурслари сотиб олишга кўпроқ харажат қилмоқдалар.

Маркетинг ёндашуви билан ишлаб чиқариш қувватларини мақбуллаштириш муаммоси бевосита боғланган. Иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг “кўлам самараси” тушунчаси мавжуд. Яъни узоқ муддатли оралиқда корхоналарнинг фойдасини максималлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштиришга, яъни максимал фойдани таъминлайдиган маҳсулот ҳажмини таъминлашга ҳам боғлиқ. Замонавий корхона рентабелли бўлиши учун мавсум давомида камида 5 минг тонна мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаши мақсадга мувофиқ. Ундан кам миқдордаги хомашёни қайта ишлаш етарли фойдали келтирмаслиги мумкин. Ўртacha ҳосилдорлик 25 тонна/га бўлганда бундай корхона 200 гектар майдоннинг ҳосилини қабул қилиб олишга кодир бўлади. Бундан кам ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жиҳозлар дунё бўйича деярли ишлаб чиқарилмайди. Жуда кўп турдаги саноат жиҳозларининг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 150-600 тонна хомашёни қайта ишлашга етади. Ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда нисбатан йирик ҳажмли хўжаликлар яхши натижаларга эришади.

Ўзбекистонда мева ва сабзавотларнинг ҳосилдорлиги нисбатан паст, бу экинларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар экин майдонлари эса унчалик катта эмас. Бу мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳар бир фермер, айниқса, дехқон хўжалиги учун қайта ишлаш учун ўз қувватларига эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини англатади. Ҳатто йирик хўжаликлар ўзларида қайта ишлаш жиҳозларини ўрнатсалар ҳам ўз хомашёлари билан буни уddyalай олмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги қандай ва нима асосда амалга оширилиш лозим деган савол пайдо бўлади.

Бизда қишлоқ хўжалигига кооператив дейилганда ширкат хўжалигини тушуниш одатга кирган. Аслида эса кооператив фермерлар фаолиятининг фақат айrim томонларига тегишли бўлиши мумкин. Масалан, Истроилда Мошавлар фермерларнинг хусусий кооперативлари хисобланиб, уларга маҳсулот сотишни ташкил қилишда, ресурслар сотиб олиш, зарурий мутахассисларни ёллашда ёрдам беради. Битта фермер хўжалиги етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотини

қайта ишлашни ташкил қила олмайди, демак уни воситачиларга ёки қайта ишлаш корхоналариға сотишга мажбур бўлади. Бунда фермер ўзининг контрагентларига нисбатан ноқулай ҳолатда қоладилар. Лекин фермерлар ўзаро келишув асосида етиширилган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишни ташкил қилиши мумкин.

Қайта ишлаш корхонаси битта фермер хўжалигига тегишли бўлиши мумкин, лекин бунда у уни ташқаридан хомашё билан таъминлаш билан шуғуланишига, ёки бошқача қилиб айтганда, бозордан хомашё сотиб олишига тўғри келади. Фермерлар гурухи ҳам кооператив ёки улуш қўшиш асосида қайта ишлаш корхонасининг эгаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам корхонани иқтисодий самарали юклама билан таъминлаш учун бошқа ишлаб чиқарувчилардан хомашё сотиб олишга тўғри келсада, фермерлар фойдали асосда ўзлари етиширган мева ва сабзавотларни имтиёзли шароитларда қайта ишлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Бунга қўшимча равишда қайта ишлаш корхонасининг таъсисчи-фермерлари саноат маҳсулотини сотишда даромад оладилар ҳамда қайта ишлаш ҳажмларини оширишдан манфаатдор бўладилар ва бу билан ягона занжирни мустаҳкамлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартағи “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлаш борасида истиқболли йўналишлардан бири республикада агрокластерларни ривожлантириш билан боғлиқ. Т.Т.Жўраев, М.Э.Ҳамидовларнинг фикрича “агросаноат кластерлари мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг “драйвери” вазифасини бажаради. У қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини кучайтиради. Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳамда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиқ даражасини оширишнинг инновацион йўлларидан бири ҳисобланади” [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарорида мева-сабзавот

маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган жараённи мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида “урӯғ-кўчат-маҳсулот етишириш-тайёрлаш-сақлаш-қайta ишлаш-транспортировка қилиш-бозорга етказиш” тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш;

- 2018 йилнинг 1 апрелидан битта мева-сабзавот кластери ичида сотиладиган маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи солинмаслиги ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмаслиги;

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кластерларни ташкил этиш ташаббускор, тегищлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама келишув асосида амалга оширилиши;

- мева-сабзавот кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар, қоида тариқасида, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олиниши, бунда биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган кувватларни ишга тушириш;

- мева-сабзавот кластери иштирокчилари - маҳсулот етиширувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали тартибга солиниши белгилаб берилди.

Мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларини молиявий қўллаб-куватлаш орқали амалга оширилади, бунда маҳсулот етиширувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш обьектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- агрокластерлар мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш технологик жараёнларини ягона интеграцион тизимга бирлаштириш орқали маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини назорат қилиш ҳамда оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини таъминлайди;

- агрокластерларда меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликларо ихтинослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;

- илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этиш жадаллашади;

- хомашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича бугунги кунда мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

- айрим ҳудудларда кластерга фермерлар ихтиёрийлик асосида эмас, мажбуран аъзо қилинмоқда, яъни уларда кластерни эркин танлаш имкони мавжуд эмас;

- баъзан бир ҳудудларда барча фермер хўжаликларини битта кластер билан шартнома тузишга мажбурлаш ҳолатлари учрамоқда ва табиийки бу ҳолат кластернинг мазкур ҳудудда монополия мавқени эгаллашига олиб келиши мумкин;

- кластерлар томонидан фермерларга етиштирилган ҳосил учун пул ўтказиб бериш муддатлари асоссиз чўзилиб кетмоқда;

- кластерлар фермерларнинг хўжалик эркинлигини бир қадар чегаралаб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига қўра 2020 йил ҳолатида республикамида ташкил етилган 86 та мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан 1 313,87 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларнинг 451,02 минг тоннаси қайта ишлашга йўналтирилган. Бугунги кунда уларда 819,2 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари, 76,3 тонна сифимга эга музлаткичли камералар мавжуд. Шунингдек, 173,04 минг тонна қайта ишлаш қувватлари ва 253,97 минг тонна сифимга эга музлаткичли камераларга эҳтиёж мавжуд.

Бугунги кунда қайта ишлаш саноати бу – нафақат мева-сабзавот консервалари ва қуритилган мевалар ишлаб чиқариш, балки кўпроқ даражада янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмол хусусиятларини сақлаб қолиш ва истеъмолга тайёрлашдир. Консерва қилишда ишлатиладиган шакар ва сирка соғлом турмуш тарзига мос келадиган маҳсулотлар қаторига кирмайди. Гилосни ювиш ва чириганларини териб ташлашга вақт сарфлашга мажбур қилиш эмас, балки унга ҳавас билан қараб, сотиб олишни ҳохлайдиган даражага келтириш замонавий тушунча бўйича мева-сабзавот саноатининг вазифаси ҳисобланади. Қолган барчаси – бу янги маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Айнан ҳудди мана шу янгича ёндашув мева-сабзавот, ва умуман озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантиришни таъминлаши мумкин. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати унга сарфланаётган инвестициялар салмоғи ортиб бораётган бир шароитда унинг саноат маҳсулотидаги салмоғи камайиб бормоқда. Бу зарурий технологик ўзгаришлар амалга оширилмаётганлиги ёки улар зарурий натижани бермаётганлигидан далолат беради.

Қайта ишлаш саноати муваффақиятли фаолият кўрсатаётган барча мамлакатларда тайёрлаш тизимининг роли катта аҳамиятга эга. Воситачи корхоналар нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан маҳсулотни сотиб олиб, уни қайта ишлашга, чакана савдога ёки экспортга йўналтирадилар, балки мева ва сабзавотларни пишганлик, заарланганлик даражасига, катталиги ва шаклига қараб саралайдилар, сифатига ва белгиланган стандартларга (дарвоҷе, стандарт давлатники бўлиши шарт эмас, у бозор иштирокчилари томонидан ҳам ишлаб чиқилган бўлиши мумкин) тўғри келишига қараб товарнинг ҳар бир партияси учун нарх белгиланади.

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ҳалқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4821-сон қарорига асосан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХКни тугатилди ва унинг негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилди. Шу муносабат билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

- мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етишириувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

- маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

- мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

- озиқ-овқат саноатининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

- замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига:

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий эксперталарни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида:

- қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари (шу жумладан кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн. тонна қувватлар яратиш ва маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичини 30 %га етказиш;

- умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушкини 40 %гача ошириш вазифалари қўйилган.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қўламини ошириш, биринчи навбатда юқори технологиялар ва инновацион ғоялар асосида маҳсулотларни сифатли ҳамда чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини кенгайтириш;

- саноатбоп мева-сабзавот навлари етиштириш сифати ва ҳосилдорлигини ошириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг кооперацияси асосида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи маҳсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;

- фермер ва дәхқон хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарига мини-технологиялар ҳамда замонавий ускуналар харид этиш учун имтиёзли кредитлар бериш механизмини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш;

- қайта ишлаш саноатининг материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чиқимли технологияларга устуворлик бериш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг ошиб кетиши олдини олиш;

- қайта ишлаш саноатини кенг кўламда модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фаннынг энг сўнги ютуқларини ва илгор инновацион рақамли технологияларни ишлаб чиқаришга жадал қўллаш;

- жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий технологияларга асосланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини техник янгилаш ва модернизациялаш, бунда биринчи навбатда қишлоқ жойларга мос келувчи қулай ва юқори унумдорликка эга мини-технологияларга устиворлик бериш;

- қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда ички ва ташки бозорларда рақобатбардошлигини юксалтириш, бунда биринчи навбатда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга устиворлик бериш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш, уларни зарурӣ ер участкалари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, бу тузилмаларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усуллари ва интенсив технологияларни қўллаш;

- қишлоқ жойларда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар учун зарур бўлган инфратузилмалар тармоғини, биринчи навбатда йўллар, газ, электр ва сув таъминоти ҳамда бошқа инженерлик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга ички ва хорижий инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш, инвестиция дастурларини тайёрлашда, аввало экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш;

- лойиҳа таклифларини ишлаб чиқишида туманларнинг ихтисослашуви, табиий заҳиралари ва фойдаланилмаётган бўш ишлаб чиқариш биноларини қамраб олиниши, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, тайёр турдаги ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва янги турдаги хизматларни ташкил этилишига асосий эътиборни қаратиш;

- хўл, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот, полиз, узум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш ҳамда жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш учун сифат стандартлари ва техник регламентлашнинг халқаро андозаларини тизимли жорий этиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтинослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, уларни бевосита қишлоқ жойларида ўрнатишга алоҳида эътибор бериш;

- битта худудда битта кластернинг монопол мавқега эга бўлишига асло йўл қўймаслик, агрокластерларга аъзолик ва қайси кластерни танлаш масаласини фермер хўжалиги мустақил ҳал этиши мақсадга мувофик;

- кластерларда етиштириладиган бўлғуси ҳосил учун олдиндан “фючерс шартномалари” тузиш орқали бўнак тўлаш (ҳосил қийматини 60 %ига) ва йил якунида охирги ҳисоб-китобни (қолган 40 %га) амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналар ўртасида соғлом иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, дебитор ва кредитор қарздорлик ортиб кетишининг олдини олиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш.

Бу тадбирларни амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ошишига, қишлоқ жойларда саноатнинг ривожланишига ва янги иш ўринларини яратилишига, хомашёга асосланган иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётга ўтишга, ялпи ички маҳсулот таркибида қўшилган қиймат салмоғининг ортишига, тайёр маҳсулотлар ассортименти кенгайиши ва сифатининг ошишига, қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошишига, тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши ва экспорт салоҳиятини юксалишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://president.uz/uz/lists/view/2697>
2. www.fao.org/3/ca8388en/CA8388EN.pdf.

3. Н.Р.Куркина. Организационно-экономический механизм развития продовольственного обеспечения (теория, методология, практика)//Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Москва-2010. –стр. 3.

4. Н.И.Саидахмедова. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил. – 7 б.

5. Б.Т. Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 136.

6. Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, И.Ғаниев. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қайта ишлашни ривожлантиришда агрокластерларни яратишдаги дастлабки қадамлар. “Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. ТДИУ, 2014 й. 30 апрель, -315 б.

7. https://stat.uz/images/uploads/docs/yanvar_dekabr_sanoat_2020_uz.pdf.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035>.-113 б.
9. Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам (2018 й.). Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2019.
10. Т.Т.Жўраев, М.Э.Ҳамидов. Ўзбекистонда агросаноат кластерлариниг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 й. – 6 б.